



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 9 август, № 163 (7393) • Жума

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРГЎЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август кунининг охирида Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Мулоқотда Қирғизистонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш муҳим экани алоҳида қайд этилди. Қўшни мамлакатдаги вазият амалдаги қонунчилик доирасида тез орада барқарорлаштиришга умид билдирилди.

Ўзбекистон — Қирғизистон Давлат чегарасини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш масалалари бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиш ҳамда Чегарада ишонч чоралари тўғрисидаги шартномага мувофиқ унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Сўхбат якунида давлат раҳбарлари кенг кўламли ҳамкорликни янада фаол ривожлантириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликка асосланган икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги интилиши қатъий эканини тасдиқладилар.

ЎзА.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



## Режали патронаж ишлари: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Мамлакатимизда аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, жисмоний фаолликни оммалаштириш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда патронаж хизмати муҳим ўрин тутати.

Ҳўш, бугунги кунда ушбу хизматдан қандай фойдаланиляпти? Қандай муаммо ва камчиликлар кўзга ташланмоқда?

“Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган “Шифокорлар ва патронаж тиббиёт ҳамширалари томонидан ўтказилаётган режали патронаж ишлари: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги давра суҳбатиде шулар хусусида сўз юритилиб, тиббиёт соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда туман, шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктларида тиббий патронаж сифатида умумий амалиёт шифокорлари, патронаж тиббиёт ҳамширалари ва зарур ҳолатларда тор мутахассислар қўшимча жалб қилинмоқда. Сўзга чиққанларнинг фикрича, ушбу соҳада ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжуд.



## Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Жаслик» колониясининг ёпилишини қўллаб-қувватлади

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида”ги (“Жаслик” кўргонида жойлашган) қарорини қўллаб-қувватлади.

### Эътироф

Бу БМТнинг юртимизда доимий вакили ва координатори Хелена Фрейзер баёнотида алоҳида эътироф этилган: “Ушбу қарор БМТ ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмларининг олдинги тавсияларига мос тушади. “Жаслик” колониясидаги аянчли сақлаш шароитлари БМТнинг қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Тео ван Бовен томонидан 2002 йил ноябрда Ўзбекистонга ташриф буюрган

пайтда танқидга учрагани. У сафар чоғида “Ҳукумат ҳатто ўз жойлашуви билан шафқатсиз, ғайриinsonий ва инсон қадр-қимматини камситувчи муносабат ёки жазога тенг шароит яратувчи “Жаслик” колониясини ёпиш масаласини зудлик билан кўриб чиқиши лозим”лигини таъкидлаган эди. Мазкур муассасадаги маҳбусларнинг оила аъзолари улар билан учрашиш учун узок

йўл юрмаслиги мақсадида маҳбуслар, миллий қонунчиликка мувофиқ, аввалги яшаш жойи яқинидаги колонияга кўчиш ҳуқуқига эга. Қийноқлар бўйича махсус маърузачисининг олдинги тавсияларидан келиб чиққан ҳолда, БМТ шу йил 14 мартда қонунчиликка Омбудсман фаолиятига оид ўзгариш ва қўшимчалар киритилганини олқишлайди. Зеро, шу асосда Омбудсман



фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳамкорликда қамоқда сақлаш жойларига мунтазам кириб туриш орқали қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриinsonий ёки қадр-қимматни камситувчи



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ХАЛҚНИ ҲАМ, ДАВЛАТНИ ҲАМ БОЙ ҚИЛИШИ ЗАРУР



### Таҳлил ва таққос



Қишлоқ хўжалиги деганда, аввало, тасаввуримизда нима жонланади? Миришкор деҳқонларимиз етиштирган ноз-неъматлар, фермерларимиз далаларидаги пахтаюғалла, қўра-қўра чорва моллари, нари борса, «тариллаб» ер шудгорлаётган трактору бугдой ўраётган комбайнлар... Нега шундай?

Чунки ўтган асрда бор куч ва салоҳиятимиз унумдор ерларимиздан мўл-кўл ҳосил олишга сафарбар этилди. Бугун бошли мамлакат арзон хом ашё етказиб берадиган аграр республикага айлантирилди... Қолаверса, мустақил тараққиёт йилларида ҳам соҳада қатор ислохотлар амалга оширилганига қарамай, кўзланган натижаларга эришилмади.

Бугун-чи? Фақат бозорнинг олди бўлган сархил мева-сабзавот етиштириб, уни четга пуллаш билан узокқа бориб бўлмади. Хом ашёни хорижга сотиш орқалигина экспортда юксалишга эришилмаслигини ҳам ўтган йиллардаги тажрибамиз бот-бот исботлади! Ҳўш, бундан кейин нима қилмоқ керак? Бу борада давлатимиз раҳбари бел-

гилаб берган устувор вазифалар бор: энг аввало, республикамизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги салоҳиятини тубдан ошириш зарур. Ушбу тармоқда, шунингдек, стандартлаш ҳамда агробизнес йўналишларида консалтинг, маркетинг хизматларини ривожлантириш ва илмий тадқиқотларга асосланган интенсив агросаноат

тизимини ташкил қилишга эҳтиёж катта. Озиқ-овқат sanoatini янада ривожлантириш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳам кун тартибидеги долзарб масалалар сирасидан. Бинобарин, аграр секторга замонавий технологияларни жорий қилиш муваффақиятлар омили бўлади.



### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат sanoatini янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида:



қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича **174 та**, озиқ-овқат соҳасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича **24 та** йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган туманларда мавжуд самарасиз боғлар ўрнида **36 минг гектар интенсив боғлар** ташкил этилади.

## Технология «John Deere» техникалари энди Ўзбекистонда

Юртимизда аграр соҳага қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг илғор усулларини жорий этиш, фермер хўжаликларини сув тежовчи технологиялар, етакчи ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган замонавий техника воситалари билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон андозалари даражасидаги ёнилғи тежамкор ҳамда қулай комбайнлар, тракторлар, тиркамалардан фойдаланиш деҳқонлар ишини енгилаштириб, ишлаб чиқариш самардорлигини оширади, ҳосилни йиғиб-териб олиш муддатини қисқартиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил майидаги АҚШга расмий ташрифи доирасида Нью-Йоркда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Америка бизнес форумида Американинг етакчи корпорациялари билан қиймати 2,6 миллиард долларлик ҳужжатлар имзоланган эди. Ушбу маблағлар иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан, аграр соҳада ҳам қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилди.



## «Ҳаж — 2019» Мино водийсида ҳожилар учун замонавий чодирлар ҳозирланди

“Халқ сўзи” махсус мухбири Саид РАҲМОНОВ Саудия Арабистонининг Макка шаҳридан хабар қилади.

Кеча, зулҳижжа ойининг саккизинчи кунда ўзбекистонлик зиёратчилар ҳаж амалларини бажаришга киришиб, оппоқ эҳромларини боғлаган ҳолда “лаб-байка” айтиб Мино водийси томон йўл олдилар. Дунёнинг турли ўлкаларидан келиб, муқаддас Макка шаҳрида жам бўлган миллионлаб мусулмонлар Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) “Мабрур ҳажнинг муқофоти фақат жаннатдир”, деган ҳадисдан умидвор бўлган ҳолда, ҳаж ибодатини бошлашди. Ўзбекистонлик ҳожиларнинг охириги гуруҳи ҳам Мадина зиёратини якунлаб, соғу саломат етиб келдилар. Байтуллоҳни тавафқ қилиб, умра амалини бажардилар.







# «John Deere» техникалари энди Ўзбекистонда



Шартнома имзоланганидан атиги бир неча ой ўтиб, Американинг «John Deere» корпорацияси ишлаб чиқарадиган сўнгги авлод пахта териш комбайнларининг биринчи партияси юртимизга етиб келди ва терим жараёнига жалб қилинди. Бу эса ўзбекистонлик фермерлар учун катта воқеа бўлди. Бир қатор фермер хўжалиқларида «John Deere CP 690» комбайнлари қўлланилган фермерлар унинг юқори самарадорлигини эътироф этишди.

Мисол учун, Андижон вилоятидаги «Khantex Group» МЧЖ мутахассислари кластер таркибига кирувчи «Кўёшли ўлка» фермер хўжалиги далаларида ушбу техникани синовдан ўтказишди. Бир кечаю кундузда 70 гектар майдондаги пахтани териб олиш қувватига эга бўлган, механизмлари ушбу жараёндаги турли агротехника тадбирларини бажаришга мўлжалланган «John Deere» комбайнлари, чиндан ҳам, юқори фойдали иш коэффициентини намоиш қилди.

«John Deere CP 690» комбайнлари катта афзалликларга эга, — дейди масъулияти чекланган жамият таъсисчиси Зокиржон Набижонов. — Мазкур техникадан фойдаланиш орқали биз иш ҳажми ва ёнилиги сарфини камайтирдик. Машина терилган пахтадан той шакллантириб, ўша ернинг ўзига туширади ёки теримни давом эттирган ҳолда эгат охиригача олиб бора олади. Шундай қилиб, пахтанинг далада ва сақлаш жойларида исроф бўлишига йўл қўйилмайди. Пахта тозалаш корхоналарида ҳам алоҳида ишчиларга ҳожат йўқ, чунки тойларга қадоқланган бебаҳо хом ашё атрофга сочилиб кетмайди.

Энди энг асосийси ҳақида. Хўш, бундай замонавий, инновацион, лекин нархи қиммат бўлган техникани қўллаш фермерлар учун қанчалик

фойдали? Унга сарфланадиган маблағ, тежамкорлиги ва олинадиган даромадни ҳисоблаб кўрсак. «John Deere» техникасига эга бўлиш орқали Ўзбекистон Республикасининг айна даврдаги, мажбурий меҳнатни бартараф этишга қаратилган сиёсатида жуда долзарб ҳисобланувчи қўл теримидан воз кечиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини модернизация қилиш ва соҳага янги «ақлли» технологияларни жорий этиш мумкин. Мана шу тадбирлар мавжуд техникалар паркни қисқартириб, унинг рентабеллигини ошириш имконини беради.

Лекин ҳар қандай техника тезкор сервис хизмати ва таъмирлашга муҳтож. Бугунги кунда Ўзбекистонда бу муҳим вазифани «John Deere» компаниясининг расмий дилери бўлмиш «Landtech» ХК МЧЖ бажаряпти. Унинг мутахассислари ушбу қишлоқ хўжалиги техникасини диагностика қилиш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича деҳқонларга малакали ёрдам беришга тайёр.

— Бизнинг мобил сервис хизматимиз кичик ва катта гуруҳлардан иборат. Кичик гуруҳда икки нафар, каттасида тўрт нафар таъмирчи бўлади, — дейди «Landtech» ХК МЧЖ тижорат директори Ботир Исроилов. — Сервис муҳандисларига диагностика жиҳози ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминланган 35 та автотранспорт техникаси ажратилган. Бу эса, зарур бўлиб қолганда, исталган вақтда керакли жойга етиб бориш имконини беради. Тошкентда 2017 йили фаолият бошлаган «John Deere» сервис маркази барча техник талабларга ва жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг корпоратив стандартларига жавоб беради. Бизнинг мутахассисларимиз ҳам техникани тайёрлаш ва ишга тушириш, ҳам унда ишлайдиганларни ўқитиш, кафолат даврида ва ундан кейин техник хизмат кўрсатиш каби юмушларни бажаришади.



«John Deere» сервис маркази барча техник талабларга ва жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг корпоратив стандартларига жавоб беради. Бизнинг мутахассисларимиз ҳам техникани тайёрлаш ва ишга тушириш, ҳам унда ишлайдиганларни ўқитиш, кафолат даврида ва ундан кейин техник хизмат кўрсатиш каби юмушларни бажаришади.

— Биз «John Deere» компанияси ишлаб чиқарган техникани, аниқроғи, тўртта тракторни биринчилардан бўлиб харид қилган эдик, — дейди «Агровер уруғчилик» МЧЖ бош муҳандиси Тимур Холмухамедов. — Танловда адашмаган эканмиз. Техника ишончли ва жуда самарадор бўлиб чиқди. Ҳозирги пайтда эса

бундай техникаларимиз сони 30 дан ортди. Шуниси яхшики, ишлаб чиқарувчи унга техник хизмат кўрсатиш масаласини ҳам ўйлаб қўйган, яъни бу ишни «Landtech» ХК МЧЖнинг тажрибали мутахассислари бажаришмоқда.

Бугунги кунда «Landtech» ХК МЧЖ раҳбарияти кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, бу йил Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Тошкент давлат аграр университети билан икита англашув меморандуми имзоланди.

— Ҳужжат мутахассисларни ўқитиш, стажировкасини ташкил этиш бўйича дастурларни, миллий ва халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, масофавий таълим ҳамда видеоконференцияларни ўтказиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, қўшма лойиҳаларга мутахассислар, ўқитувчи ва талабаларни жалб қилиш каби тадбирларни ўз ичига олган, — дейди Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори Уктам Умрзоқов. — Ҳозирнинг ўзидаёқ ўн нафар энг илғор талабага «Landtech» ХК МЧЖнинг рағбатлантирувчи совғалари топширилди. Келгусида соҳа ривожига ҳисса қўшишни истаган бу ёш мутахассислар компанияга ишга қабул қилинади.

— Бизга ёш, ташаббускор ва ижодий фикрловчи кадрлар керак, — суҳбатни давом эттиради Ботир Исроилов. — 1837 йилдан буён фаолият юритиб келаётган «John

Deere» компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган техникалар паркни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, маҳаллий фермерларнинг компания маҳсулотларига қизиқиши ортаётгани сабабли биз 2020 йилда Қашқадарё, Жиззах ва Андижон вилоятларида, 2021 йилда эса Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида сервис марказларини очмоқчимиз.

Дилер компаниясининг ўз ходимларига келсак, улар ҳар ойда махсус ишлаб чиқилган дастур асосида ўқитилади. Улар мавжуд техниканинг алоҳида жиҳатларини янада чуқур ўрганиш билан бирга, унинг янги турлари билан ҳам танишдилар. Бундан ташқари, инженер-механиклар йилнинг ҳар чорагида АКШ, Германия, Австрия ва бошқа давлатларда касбий малакасини оширадилар.

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ақлли қишлоқ хўжалиги» концепцияси доирасида соҳага рақамли технологияларни жорий этиш, жумладан, экин майдонларини кенг диапазонда хариталаш жараёнида сунъий йўлдош ёрдамида олинган суратдан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Аниқ деҳқончилик тизимида инновацион ёндашув ихтироси бўлган «John Deere» компанияси ўзининг барча техникасида «AMS System» усулини татбиқ этиб келяпти. Бунда сунъий йўлдош орқали узатиш усули билан тегишли майдоннинг чегаралари белгиланади, шунингдек, узлуksиз онлайн-мониторинг олиб борилади, яъни

машиналарнинг геолокацияси (жойлашуви), визуализацияси ва кўрсаткичлар таҳлили аниқланади. Умуман олганда, «John Deere» ишлаб чиққан «AMS System» усули қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, сарф-харажатларни камайтириш ҳамда техникани бошқаришни соддалаштиришга мўлжалланган.

— Президентимиз томонидан яқинда қабул қилинган қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор деҳқонлар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчилари учун катта имкониятлар эшигини очди, — дейди Ботир Исроилов. — Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ушбу ҳужжат мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар етиштириш ҳажмини ва турини кўпайтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, иш ўринлари ташкил этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

«John Deere» компанияси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида аграр тармоқни инновацион ривожлантириш, кўрсатилаётган техник хизматлар сифатини янада яхшилашга ҳисса қўшади. Бунда эса энг замонавий диагностика жиҳозлари ва бошқа махсус асбоб-ускуналар қўл келиши, шубҳасиз.

Сергей ЛЕВЧЕНКО тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

## «Landtech» ХК МЧЖнинг сервис марказлари

**Тошкент шаҳри**

**Андижон вилояти**

**Жиззах вилояти**

**Самарқанд вилояти**

**Сурхондарё вилояти**

**Қашқадарё вилояти**

**Бухоро вилояти**

**Фаолият юритаётган**

**2020 йилда очилиши режалаштирилган**

**2021 йилда очилиши режалаштирилган**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарорига асосан, «Ўзэлектртармок» УК тугатилмоқда.

Барча дебитор ва кредитор ташкилотлар, корхоналар ҳамда жисмоний шахслардан эътироз, таклиф ва шикоятлар эълон газетлада чоп этилган кундан бошлаб икки ой муддатгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 6-уй.  
Тел.: 71-208-56-09, 71-208-56-24.

## «MOTUZ AVTO» МЧЖ қўшма корхонаси

Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, «Майарик» ҚФЙда мукамал таъмирланаётган корхонанинг қурилишини битказиш юзасидан қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилади.

Қурилиш объекти бўйича маълумотлар куйидагича:  
Қурилиш объектининг манзили — Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, «Майарик» ҚФЙ.

Бошланғич нархи қўшимча қиймат солиғи билан бирга — 4 193 504 725,00 сўм.  
Объектнинг тўлиқ битиш муддати — 2020 йил 1 апрель.

Корхона почта манзили: Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 73-«А» уй.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳриратта келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва мазалифга қайтарибмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.00 Топширилди — 02.10

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.  
Мусаҳҳих — С. Исломов.

1 2 3 4 5 6